

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 4 СЎМ



...БИРИНЧИ УЙИНГА

АЗАМАТ АБДУРАИМОВ

1966 йил Тошкент шаҳрида даҳшатли ер силкинишидан бир кун кейин, яъни 27 апрелда туғилган. Болалигида Масковда яшаган. Инглиз тилида бемалол гаплаша олади. Спорт устаси. «Пахтакор» (Тошкент) «Спартак» (Масков), «Помир» (Душанбе), АСК (Ростов), МАСК (Масков) клубларида ўйнаган. Ўзбеклардан биринчи бўлиб чет элда — Бангладеш ҳамда Шимолий Курияда тўп сурган. Яқинда унга Туркия ва Мексикадан таклиф тушди. Уйланиш ниятида. Бўлажак журналист. «Навбахор» ҳамда Ўзбекистон терма жамоасининг ҳужумчиси. Еқтирган футболчиси Диего Армандо Марадона.

УШБУ СОНДА:

БОЛАЛАР ДУНЕСИ

3-БЕТ

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН:
МЕНИНГ
УНВОНИМ — ОТА

4-БЕТ

СИЛВЕСТЕР
СТАЛЛОНЕ
НИМАДАН
ҚУРҚАДИ?

7-БЕТ



Кейинги сонларда:

НЕЪМАТ АМИНОВ:
ШОИРЛАР
СЕМИРМАСИН
РУЗИМБОЙ ҲАСАН:
ТОБУТДА РАҚСГА
ТУШИШДИ
ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР:
ЎВУЗЛИҚНИНГ
ИЛДИЗИ

«Оила ва жамият» 50 (68)

Бир куни

ГО-ОЛ!..

Ярим соатдан бери тарқоқ хаёлларимни йиғолмай сарсонман. Эртага, эрталаб бош муҳаррирнинг столига қўйишим керак бўлган мақоламнинг минг азоб билан биринчи жумласини топдим деганимда ҳайқириқ янгради:

— Го-ол!..

Хаёлларим ҳурққан қушлар галасидай тум-тараҳай бўлиб кетди. Биламан болалар «доми»мизнинг олдидаги кафтдеккина майдончада, одатдагидек, копток тешишяпти. Лекин бунчалик ҳайрат, ҳаяжон ва куч билан қичқираётган ким? Тавба, Барселолада, жаҳон биринчилиги мусобақасида ўтиргандай қичқиради-я!..

Деразани зарда билан очдим. Айтганимдай, тўрт-беш зумраша атрофни чангитиб юрибди. Улардан бири —

«дарвоза»ни — икки харсаннинг ўртасини аниқ нишонга олди.

— Го-ол!..

Аммо бу таниш ҳайқириқ «стадион»нинг нариги бурчидан янгради. Бақироқ «жўжаўхўроз»га танбех бермоқчи бўлиб, лабимни сўзга жуфтладиму, тўхтаб қолдим. Оламни бошига кўтариб қичқираётган бола Шоқир эди! Ҳа, ўша одатда тенгдошларининг ўйинини бир четда, ногиронлар аравачасида маҳзун томоша қилиб ўтирувчи Шоқир, кўшимизнинг ўғли! У энди дарвозабонлик қилар, бунинг устига «командаси» кетма-кет гол урарди.

Шоқирнинг анчадан буён шифохонада эканлигини билардим; аммо неча йилдан буён оёқлари фалаж ётган боланинг тузалиб чиққанли-

гини, ҳатто копток тепадиган даражага етганлигидан бехабар эканман. У қувончдан ҳайқирар, атрофдагиларга қўлларини силкитар, ҳануз оқсоқланаётганлигига қарамай, у ёқдан бу ёққа тинимсиз юрар, намоёшикорона сакраб ҳам қўярди. Англадим, ҳатто ўша Аргентиналик маҳмадона футболчи Диего Марадона жаҳон чемпионлигини қўлга киритганда ҳам бунчалик қувонмаган, ҳаяжонланмаган бўлса керак.

Шу пайт яна Шоқирнинг сафдошлари рақибларини доғда қолдиришди. Бу гал мен ҳам беихтиёр ҳайқириб юбордим:

— Го-о-ол!..

Енгил тортиб, мақоламни ёзиш учун ўтирдим.

Жонқобил ЖУМА



Суратчи: О. ШЕМАКОВ

етти кун

1 2 3 4 5 6 7

ПЛАТИНИ, БЕЛМОНДО ВА «КОКА-КОЛА»

Куни-кеча Париждан қайтган Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги масъул ходимининг маълумот беришича, Франциянинг энг обрўли жанобларидан бўлмиш собиқ футбол юлдузи: Мишел Платини ва машҳур киноактёр Жан Пол Белмондолар олимпиада ўтказиладиган шаҳар сифатида Тошкент номзодини қўллаб-қувватлашга ваъда берганлар. Шунингдек, «Кока-кола» фирмаси ҳам Тошкент номзооди учун ташвиқот олиб бориш ниятида.

СЕЛИТРАЛИ ШАКАР

Челак туманида савдогарлар арзон нархда шакар сотиб кетишган эди. Одамлар талашиб-тортишиб олишди. Уйга келиб қарашса, шакарнинг таъми ҳам, кўриниши ҳам фалати. Нонинсоф савдогарлар шакарга селитра аралаштиришган экан.

ОТЛАР... ГРИПП

Чиροқчининг тўйлари кўпкарисиз ўтмайди. Бироқ, куни-кеча шов-шув тарқалди: кўпларида қатнашадиган отлар касалликка чалинган эмиш. Мол дўхтирларининг айтишича, отлар... грип (гриппис экварум) бўлиб қолган.

ТАЛАБА БОЙВАЧЧА ЭКАН

Кўпчилик талабаларни стипендиядан стипендиягача базўр кун кўриб юрадиганлар тоифасига қўшади. Унчалик ҳам эмас экан. Тошкент автомобил йўллари институти Сурхондарё филиали толибининг ётоғига ташриф буюрган «меҳмонлар» талабанин видеокамераси ва 30 минг рублани олиб, ғойиб бўлишди.

НЕГА!

Самарқанд автовокзалидаги чойхонада бир чойнак чой 10 сўм. Чойхоначи «инсофинг борми!», деганларга «фақат кўк чой бор», деб жавоб қайтармоқда.

ҚОЙИЛ!

Тошкентнинг Ибн Сино мавзесидаги пивохўрларнинг кайфи тарқаб кетишига сал қолди. Майхонага кириб келган икки қорасоч офатижон тўрт шишадан пивони тик турган кўйи симлириб, йиқилиш у ёқда турсин, ҳатто чайқалмай, қўлтиқлашиб автобўсга чиқиб кетди.

ҲОЛИНГИЗНИ БИЛМАСАНГИЗ...

Самарқандда, мамлакатимизнинг у-бу жойларида ҳам, мишмиш тарқалди. Гўё Ургутдан, жулладан шу тумандаги Гўс қишлоғидан Покистонга саёхатга борган бир гуруҳ сайёҳлар вабога чалинибди.

Аслида ҳамюртларимиз хориж эчкиси гўштидан тайёрланган таом истемол қилишиб, ич бурўғ бўлиб қолган экан, деб хабар беради Р. САИД.

БЎШ ВАҚТИМДА ЙИҒЛАЙМАН

Узимиздан анча олисда турадиган опамникига меҳмонга боргандим. Кўшиникига тўйга ўтдик. Ҳамма бир машҳур отарчи қиз ҳақида гапирарди. Одамлар ўриндиқларнинг устига чиқиб олиб, томоша қилишарди. Даврага поёндоз тўшалган, отарчи қиз кўзларини катта очиб гоҳо юмиб, гоҳо сузиб, ётиб-туриб, сакраб, у бовшдан бу бошга югуриб-елиб ўйнардди Қишлоқдагилар ҳали бунақасини кўрмаганди. Кизчанинг кийимларига эътибор бердим: бейхшов, бейрашиқ бўлса-да асл кийимлар. Аммо ўзи жуда ёш. Ушанда у ўн беш ёшда эди. Кузатиб турдим, салкам ярим соат беандиша муқом қилиб, ўйнади.

Ҳозир ўн олти ёшда, ҳомиладор экан. Жуссаси шунақа кичикки, ҳомиладорлигини кўриб, ҳайратланишини табиий.

Биринчи берган саволим шу бўлди:

— Гулбаҳор нимага бошқоронгу бўлдингиз!

У ҳайрон қолиб «бошқоронгу» нима» дея саволимга савол билан жавоб берди.

— Бир давра ўйнаб келаман, чарчайман. Қанча овқатлансам ҳам тўймайман. Ҳеч қанақа ҳаракатим йўқ.

У ҳали «гўдак». Бошқоронгунини яна тушунмади. Нимадир эсимга тушиб «ха-я узумнинг ғўрасини егим келарди» деди.

— Биринчи марта қачон тўйга чиққансиз!

— Мақтабда ўқирдик, дугоналарим билан қишлоқдаги тўйга чиқардик. Отарчи қизларнинг рақеларини кўриб, уйга келиб, ўшани такрорлардим. Уйин ўғирлардим отарчи қизлардан. Ешлигимда артист бўламан деб ноннинг қуйиқларини териб ердим.

Биринчи тўйга «анам» (у онасини

шундай атайди)нинг қистови билан чиққанман. 50 сўм пул олиб келганман. Уз отамни эсполмайман. Угай отам чўпон эди. Жиззахда яшардик. Нанамга роса азоб берардилар. Кейин ажрашдилар, икита укам бор. Ушандан буён дарбадармиз. Чўпон дадамдан ташқари нанам икки марта турмуш қуриб ажрашди. У кишига раҳмим келади. Шунинг учун ҳам ўзим пул топаман.

— Отарчилик қилмасдан туриб пул топиш ҳам мумкин-ку!

— Уйиндан бошқа иш келмайди қўлимдан. Менга тўйдан тушадиган пулнинг кераги ҳам йўқ. Лекин барибир ўйнамасдан туролмайман. Омон-эсон «енгиллашиб» олсам, боламни нанамга ташлаб тагин тўйларга чиқаман.

— Болангининг отаси қаерда!

— Нанам бир йигит билан таништирди. Сўнг иккалаимизни ташлаб қа-

ергадир кетдилар. Шу-шу у йигит ҳам йўқолди. Тўй ҳам бўлмади. Эшитишимча, хизматга кетибди. Фарзандимнинг отини ўғил бўлса — Санъат, қиз бўлса — Марианна қўймоқчиман.

— Узингиз ҳали ёшсиз, фарзандни қандай боқасиз!..

— Нанам бор-ку.

— Бўш вақтингизда нималар билан шўғулланасиз!

— Ишдан қўлим бўшади, йиғлайман. Бошқа нима ҳам қилардим.

— Мана бу «касб» орқали нимага эришдим, деб ўйлайсиз!

— Тилло тишларимни кўрмайсизми? Қолаверса, обрўга эга бўлдим. Навойида ҳамма мени танийди...

Сурайё ЗОҲИР

«МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ»ГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Шу йил 13 декабр куни Тошкентдаги Тўқимачилар Маданият саройида қизиқарли шоу-дастур асосида «Мўъжизалар майдони» ўйини бўлиб ўтади.

Ўйинга видеоманитофон, музлатгич, чангютгич, стереомагнитофон, телевизор, кир ювиш машинаси ва биллур сервизлар, пардоз анжомлари, эркаклар куйлаги, хонатлас, шамсиялар, болалар кийимлари каби ноёб ва қимматбаҳо ютуқлар қўйилган.

Ўйин шитроқчилари томошабинлар орасидан савоал бериш йўли билан сараланади. Бундан ташқари томошабинлар учун ҳам умумий ютуқли ўйин ўтказилади.


Дастурга таниқли хонанда ва қизиқчиларнинг чиқишлари ҳам киритилган.

Сиз «Мўъжизалар майдони»да Ўзбекистон тарихининг янги, ҳаққоний талқиндаги саҳифалари билан танишасиз.

Хуллас, «Мўъжизалар майдони»да Сизни бир қатор тасодифий мўъжизалар кутмоқда.

Чипталар Тўқимачилар Маданият саройи кассасида сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси — 45. Маълумот учун телефон: 53-36-65.



ҲИСОБЛАШУВ

Москов мактабларидан бирининг жуғрофия ўқитувчиси Михаил Елин эшик тақиллаб, останада савлатли подполковник пайдо бўлганда лаборатория бўлмасида эди. Мезбон иккичи ўғилнинг отаси бўлиб, ўч олгани келган экан.

Ўқитувчи энсага тушган мушт зарбидан супага қулади. Кейин яна икки мушт еди ва чоракликда ҳарбийнинг ўғлига уч чиқармаса «қолган ҳақини» олишини эшитди.

Таёқ еган Михаил домланинг мияси қаттиқ чайқалган экан, касаллик варақаси очишга мажбур бўлди. Подполковник жаноблари эса «зобитлик шаъни» судини кутмоқда. (С—Я).

КИМ ЗҮР

Московлик 13 ёшли Миша исмли боланинг бувиси агар у яхши ўқий бошламас 1 январдан очлик эълон қилмоқчи. Бироқ неварога ақл киришига умид қилмаса ҳам бўлади. Буви — собиқ рус тили ва адабиёти ўқитувчисининг икки йил мобайнида эришгани дарсликларни бир-галикда овоз чиқариб ўқишгина бўлди. Дарвоқе, болани бувисиникида узоқ садарга кетган ота-ониси қолдирган.

Шундай бўлса-да, буви иш очлик эълон қилишгача бориб етмаса керак-ов, деб ўйламоқда. Ҳозирча у танлов эълон қилди. Кимда-ким Мишани ўз ҳоқиқи билан бирор китоби ўқиб чиқишга қизиқтира олса, мукофотига бувининг ажойиб кутубхонасидан истаган китобини олади.

ВАЗИРНИНГ МАРДИ

Озарбайжон туманларидан бирида мамлакат ички ишлар вазирни Искандар Гамидов жасорат кўрсатди. Урсияга какоин олиб ўтган етти эрон фуқароси бир хонадонга яшириниб, бекани кўчага ҳайдади. Вазир раҳбарлигидаги ИИВ гуруҳи жиноятчиларга ҳужум қилди. Улар таслим бўлиш олдидан уйга ўт қўйиб юборишди. Бека дод солиб юборди: икки яшар ўғли ичкарида қолиб кетган экан. Вазир ўйлаб ҳам ўтирмасдан ўзини олов ичига урди. Бола қутқарилди, Искандар оғанинг эса қўл-оёғи куйди, холос.

ШОШИЛИБ ҚОЛИШДИ

Сўнгги ҳафтада Амриқода ҳарбийлар томонидан никоҳдан ўтказишни сўраб берилган аризалар сони роса икки баробар ошиб кетди. Ҳарбийларнинг уйланишга бунчалик шошиб қолишганининг боиси Амриқо аскарларининг Самалига ёрдамга юборилиши билан боғлиқ экан. Ахир, уйда сизни кутаётган суюқлингиз бўлса яхши-да!



Суратчи: Солиҳ ЗОИР



НИҲОЯТ

Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси ночор турмуш кечираётган муштарийларимиздан 500 кишини ярим йилга обуна қилдириш мақсадида пул юборган эди. Ниҳоят, Тошкент шаҳридаги бир ойлик сайру саёҳатдан сўнг, ўша пул ҳисоб рақамига келиб тушди. Шунисида ҳам шукур.

Ҳозирча обуна тўхтатилгани сабабли Халқ академиясининг бўлажак обуначилари «Оила ва жамият»ни февралдан ола бошлайди.

Давр ўзгарди, одамларнинг дунёқараши, онги нима биландир бойиди, ҳаттоки сиқоннинг инига қадар янги-янги техникалар кириб келди. Қўлда бажариладиган юмушларнинг 99 фоизи аср «темир-терсақлари» зиммасига юкланди.

Ота-боболаримизнинг, момоларимизнинг анойи эмаслиги шундаки, улар қўлидан келадиган юмушни ўздан бошқа ҳеч кимга бергани келмайди. Миллий санъат деганда замон техникаси ҳам бир четга суриб қўйиши турган гап.



Азиз ШУҲРАТЖОН! Улуғ айём — 10 декабр, тугилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга сермазмун ҳаёт, боқий умр тилаймиз. 24 ёшингиз муборак бўлсин! Камоли эҳтиром ила: дадангиз, онангиз, ЛАТОФАТ, МАҲОРАТ, ФАРОҒАТ, САОДАТ, АБДУЛЛАТИФ, ПУЛЛАТЖОН, АЗАМАТЖОН, ЖАМШИДЖОН, ХУРШИДЖОН, НАМОЗОВ(А)лар оиласи. Термиз шаҳри.

Акам ВАЛИҚУЛ, ГОФУРЖОН ва янгаларим ГУЛСАНАМ, ҲАБИБА! Бахт тўйингиз муборак бўлсин. Сизларга узоқ умр, бахт-саодат тилайман, уқангиз ШАВКАТ, Навоий вилояти. Хатирчи тумани. Каттасой қишлоғи.



Ҳурматли ДИЛДОРА МУБОРАКОВНА! 14 декабр — таваллуд кунингиз билан табриклар, сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайман. Ҳар доим хушқачқак юринг! Сизга эҳтиром билан НЕККАДАМ.



35 ЕШДА

Уйланмаганман. Тошкент шаҳрида онам, синглим, акам билан тураман. Ҳовли-жойдан камчилигимиз йўқ. Заводда ишлайман, маошим бир рўзгорни тебратишга бемалол етади. Ниятим, ўзимга мос, ақл-хушли, дид-фаросатли хоним билан ҳаётимни боғлаб, бахтли оила қуриш. «Оила-134» мактубларингизга мунтазир.

27 ЕШДА

Бўйи 180 см, оғирлиги 80 кг, жиддий қиёфали, олий гуманитар маълумотли, асли Андижон вилоятдан бўлган,

ҳозирда Тошкент шаҳрида икки хонали кооператив уйда ёлғиз яшовчи аспирант йигит бўйи 165 см дан кам бўлмаган, касб-ҳунаридан қатъий назар «эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда» қондасига амал қилувчи еши 24 гача бўлган одобли, ораста қизни оила қуриш ниятида танишувга чорлайди. [Андижон вилоятдан бўлса, яна ҳам яхши] «Оила-135» маҳбубасини кутади.

27 ЕШДА

Тошкент вилоятданман. Ота-онам ёшлигимда вафот этмишган, холам билан тураман. Маошим етарли. Еши 27 дан ошмаган қиз ёки бир болалик аёлга уйланмоқчиман. Менга бир умр ҳамроҳ бўладиган аёл бахтли бўлиб кетишига ишонаман. «Оила-136» сурат ва хатларингизга мушток.



Шокир ШАКАР

ТЕЛБА ХАЁЛЛАР

Тушларингга аждарлар кирсин.
М. СОЛИҲ

Мазлума аёл туш кўрди. Тушида...
Оппоқ тун. Оймомма навозанда, юлдузлар оламоро раққоса. Куй таралди, кўшиқ куйланди...

Уйингоҳда жонланиш бошланди, юлдузлар товус каби хиром айлади; юзларида қувончининг ёқимли кўриниши зухур этган, турфа ранглар жилоси кўзни қамаштиради, ҳаммаси шод, ҳаммаси қувноқ, ҳаммаси ҳур... Булар орасида бир фаришта борки, шакаргурторликда ҳуру пайкарларга тенг келади. Унинг кийимлари атрофдаги кўкликка ҳамранг бўлиб, худди жаннатмаконларникидай эди. Бу эса алоҳида диққат тортарди. «Фариштанни қаерда кўрган эканман?» — деб ўйлади. Бечора. Аммо қаерда кўрган — эслолмади.

— Кел, — деди фаришта қўлларини атрофга кенг ёзиб, — мен сенга ҳақиқий жаннат эшигини очаман.

Бечорани раққосалар томонга ибратомуз тикилишга чорладим. Бечора ихтиёр этиб ўша томонга қараса... о, бир ит уч қадамча нарида чўнқайиб ўтирибди, олд панжаларига гулдаста ушлаб, ошиқона нола ва муножотлар қилади. Оҳ, гулдастани ҳаё этмоқчи унга...

— Қайноқ! Эҳтимол! — деб ўйлади бечора. — Кимсиз? — деди. — Кўрмаясанми, итман, — кескин жавоб берди ит. Лайлининг чўлдаги итман.

— Майли... Ит... — Бечорани ўй босиб қолди. Аммо тезда нимагадир тушуниб етди чоғи, бақириб юборди. — Бу сизми? — Ҳа мен.

Кўшиқ баланд пардада тўлғанди, раққосалар янада жозибалироқ ҳаракатланишди...

— Керак эмас... — Бечора тутили бошлади — Шўжурчиман... Ортиқча... — Лоқаул гулдастани ижобатла, — деди ит ялигансимон.

Бечора ачинди, ижобатламоқ истади, аммо ўртада тубсиз жар пайт пойлаётганлигини сезиб қолди баногоҳ. «Менга барибир эмасми, ҳеч нарса йўқотмайман-ку?» — деди-ю, яна нимагадир тек туриб қолди. — Уғлоним-чи? Авлодларим хиёнат бўладими? — Бечорани аллақандай куч олдинга ундади, ўзини тутолмади, кўзларини юмди, оёқ кўйди...

Сокин хона бўйлаб бир чинқирик

таралди, таралди-ю, анча вақт аксадо бериб турди — оғриққа дош беролмаган уғлоннинг овози эди бу!

Аёл телбавор ҳолатда атрофни кузатди: илк маротаба ёр-ёр остида бўсафага ҳатлаб кирганидаги ўй, ўша ҳолат. — Тушмикан! — қайноқ лаблари сассиз пичирлади. — Бақирган, чинқирган ким эди? Уғлимиди? — эрига, ўғлига қаради, ҳаммаси тушунгандай бўлди, уйку аралаш ихраб ётган ўғлини бағрига босди. — Тинчлан, чирогим. — Уғлон тинчланди. Эрига туйқус нигоҳ ташлади, шу тобда эри бегона одамдек туюлди кўзига, уни ўйотиб, «Кимсиз, ўзи?» — деб сўрамоқчи бўлди. Тинчланган ўғлонни иссиқ бағридан бўшатиб эри қошига келди, унинг жунжут лабларига қаттиқ тикилди: — «Рўҳимда фақат эғалик ҳукм суради» — дегандек бўлди...

Ийқ, йўқ, кўнгилга кўп озор берувчи бу сўзларни унинг лабларидан ўқиб олди, нафратомуз ижирганиш билан ортага тисарилди, кўзларида ғазаб жўш урди: — «ЙУҚ, БУ ЭМАС, У БУ ЭМАС!» — шу сўзлар ҳолсиз лабларидан ситилиб чиққач, ўзини қушдек сезди. Аммо тезда нолишга ўхшаган оҳангда: — Шунча кўргулик етмасми, энди тушларимни ҳам ўғирладинг Сен! — деди-ю, чуқур уф тортди. Ва ўзини бир зум хаёллар қўлига топширди...

Баногоҳ...
Ҳобгоҳ ойнакларини кимдир чертгандек бўлди: номаълум шарпа қоронгуликдан хонага, ёруғликка киролмай; аммо кириш кераклигини билдираётгандай туюлди унга. Шу тобда Аёл шиддат билан шаффоф дераза олдига келди, ўткир нигоҳини самога қадади —

юлдузлар ўз меҳваридан чиқиб, оймомонинг юзи ойдинлашаётган эди...

...дерезанинг бир табақасини ланг очиб юборди, худди шуни кутиб тургандай ШАМОЛ ҳаёсизларча унга ёпирилди, чамбаракланган сочлар ёйилди, вужуд ичра бир жаннатдай ийқлик югурди. Аёл энтикиб-энтикиб кетди, атир ҳиди анқиб турган ой юзлари дув қизарди.

МАҒЛУБ! МАҒЛУБ! — деб қичқиргандай бўлди кимдир ойнанинг шуъларига фарқ бўлиб ётган ҳобгоҳ томондан жўр овозда.

Аёл дераза табақасини зарб билан ёпди.

— МАҒЛУБ! МАҒЛУБ! — энди бу овоз қоронгуликдан, пурвиқор чайқалиб ётган тераклар ортидан келаётгандай бўлди.

Аёл қотиб қолди, ҳозиргина оппоқ ёғду тўкилиб ётган дераза раҳига тикилди — нур ёғилиши туганган эди —

юлдузлар хафасимон, оймомонинг юзи хира эди.

Аёл тўзғиган сочларини турмаклаган бўлди: — Ният бузилса ақлнинг ўлишин кўр, онгли истакнинг ортишин кўр, — деди-ю...

...қанча вақт ўтиганини билмайди — вақтнинг ҳисобини йўқотиб қўйган эди. Ҳобгоҳ томон оғир қадам ташлади.

Уғлини ипакдек момиқ кўкракларига қаттиқ босди — Авлод ором олмақда. Боя, туш кўраётиб босиб олган ўғлоннинг жажжи оёқчаларини сийпалаган бўлди. Туйқус, яна ўша фаришта ҳеч бир қаршиликсиз унинг шуурини эгаллади: — Керак эмас, ҳеч бир олий бахт эшиги керак эмас... — деди, — Келажакимнинг авом олдида ҳақоратланмаслиги учун ўзимдан кечсам, эзгуликка шижоат ила қараган бўламан! — шу сўзларни айтишга ўзида журъат тополгани учун кўзларини мағрурона шифтга тикди.

Аммо...

— Узингдан кечиш... — Аёл ўйлаиб қолди, худди тиловатдаги ожиза сингари лаблари пичирлади, юзранглар синди. — Бир марта яшаш... Яшадимми ўзи? Яшаган умрим рўёдир эҳтимол, ҳаммаси хаёлот олами ичра содир бўлгандир? Дилим вайрон! Бир марта яшаш... Кўрмадим. Унинг олдида, У ёниб сўзлаганда? — эрига қаради, гўё улар орасида минг йиллик йўл бор эди, минг йил...

Нимадир ёдига тушди, ўрнидан турди, тошойна олдига борди, унинг орқасига қўлини юборди, филофи хат олди...

«...У кимнидир ўзига жуда яқин олган, энди шу кимса олдида ўзининг нималарга қодирлигини кўкдаги юлдузлар каби намоён этмоғи керак.

«Усиз умрим пучдир, — деб ўйлайди у, — унинг майллари билан ҳисоблашмасдан маъсум қалбига зўрлик билан кириб бориш-фожиадир».

У: — Сенга муҳаббатини ошкор этмоқликка ҳаққим бормикан?

Қиз: — Йўқ. Ортиқча қувонч. Негаки, биз сув ичган булоқлар ўзга-ўзга юртларда...

У: — О, кечир мени, сенинг гапларинг зиндонни эслатади. Ўзга-ўзга юрт... ахир барчамиз учун туфроқ — умумий кўрпа.

Қиз: — Тушуниксиз сўзлайсиз...

У: — Ҳа, йўғ-э, содда сўзлайман... Уртада сукут. Сукут — умидсизликка тобелик, ўйлаб кўрмоқлик учун берилган қисқа муҳлат.

У: — Сен гўзалсан! Гўзаллик майдонидаги барча ҳуру парилар сенинг олдинда шарманда. Фақат ҳур эмасан!..

Қиз: — Ҳур... Ҳурлик... Ҳазм қилиш қийин бу тушунчани. Атрофлича тушунтиринг... юринг боғ кезайлик...

У: — Нечун боғ? Нечун чўл эмас?..

Қиз: — Севган одам чўлда ҳам севиши мумкин.

Қиз: — О, кўраёписиз, қарашларимиз нақадар турли-туман... Боғ ва чўл...

Аёл ўқишдан тўхтади. Атрофда кўр оқшом. Қўлида бир парча қоғоз, ундаги ёзувлар — тинчлик кушандаси. Аёлнинг нозик бармоқлари секин-аста букилиб, қоғозни маҳкам сиқди, сўнг яна ҳолсиз очилди, қоғоз юмалоқланиб ерга тушди. Хаёллар аёлни ҳаллослаб бошлади...

...яна ўша — Лайлининг ити кўз ўнгида гавдаланди: — Нега яна сен? Нега сен бу эмас, Бу Сен эмас? — унинг кўзларидан икки томчи ёш сарпоячанга юмалаб тушди.

Ақл бор жойда ҳам муҳаббат кучи ҳаммаша устивордир. Бу ҳеч вақт ақл билан ҳисоблашмайди.

... кимдир уни ортиқиб қутаётгандек, ўрнидан қамирласа, эшикни янча, бир қадам қўйса, бас... бахт деб аталувчи олий бир хилқат гўё унинг пойига бошини кўядигандек туюлди. Ва туюлгани баробар ҳурқитиб юборилган мусича сапчиб тушди, ташқарига йўналди...

Озод Аёл ойдиндаги итнинг гулдасасини ижобатламоқ истади, аммо ташқарида — на ит-да, на куйда, на раққосалар-да бор эди, ўйингоҳда қуруқ шамолгина эсарди... Фақатгина бир оқ кабутарнинг потирлаб, уйғонаётган замин бўйлаб уфқ томонга учиб кетаётганини кўрди, холос.

Оппоқ тонг отмоқда эди...



Суратчи: С. МАҲКАМОВ

ОДОБЛИ БОЛА

6-ДАРС

Боланинг тарбия топиб, одобли бўлгани таом емоққа ўтирганида ҳам равшан, маълум бўлур.

Одобли бола таом емоққа ўтирганида яхши хулқ ила ўлтуруб, яратганга шукрона айтиб, таом емоқни бошлар. Луқмани кичик олур, қўлларида таом ёғни ва ё сувларин оқизиб турмас. Ва ҳар бир кишининг еган таомига ва олган луқмасига назар солмас. Таом чайнар вақтида ҳаракатлари бузулур, оғзидан шатур-шутур овозлар чиқиб, шошиб таом емас. Ош емоқ

вақтида катта кишилар қаторида ўтирмас. Ош егандан сўнгра қўлини ювмасдан, ёғлиқ ҳолича бирор нарсани ушласмас. Ва ё таҳорат ушатмас, балки қўлини совун ва ё иссиқ сув бирла яхшилаб ювур. Ва оғзини ҳам чайқар, ундан сўнг қўлини ҳар нарсаларга урса бўлар.

Одобли бола ётур вақтида ўрнини яхшилаб тузатар. Кундуз киядиган покиза кийимларини ечиб, тахлаб қўяр. Ундан сўнг аврати очилмаслик эҳтиёти бирла ўрнига кириб ётар.

«Насихатнома»дан



«Ёш талантлар ўз юрти ҳақида» конкурсига

«ЧИРОҚЧИ»

Кадимда бир шаҳар бўлиб, унинг одамлари ахлоқсиз, урушқоқ, худо қаргаган кишилар экан. Аммо шаҳар четдаги кўримсиз кулда умри бино ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, табиблик билан кун кўрувчи кампир яшаркан. Худо суйган момонинг хунари урчуқ йиғириш бўлиб, беозорлиги учун ташвишу ғамга бегона экан.

Шаҳарнинг бошқа бурчида тақдирли ўша кампирниқига ўхшаши дили пок имонли чол ҳам бор экан.

Кунларнинг бирида Олло таоло уларга тезда шаҳарни тарк этинглар деб буюрибди. Шунда атрофни

қоронғулик қоплабди, улар биттадан шам олиб йўлга чиққач, шаҳарни ер тортиб кетибди. Чол ва кампир узоқ йўл юришиб, бир-бири билан учрашганда шунча вақтдан бери ёниқ шамлари ўчиб қолибди. Ва шу пайт борлиқ нурафшон бўлиб, Оллоҳ қудрати ила чол-кампир ёш йиғит-қизга айланибди. Улар топшиган ерларда муқим яшаб қолибди. Улар яшаган жой эса Чироқчи дея атала бошлабди.

Оллоёр БОБОНОВ
Навоний номли жумҳурият нафис санъат мактаби ўқувчиси



КўП ЯШАНГ!

Суратчи: Р. ШАРИПОВ

БОР ЭКАНДА, ЙЎҚ ЭКАН...

Азиз болалар!

Биласизки, дунёдаги деярли барча халқларнинг эртаклари ана шундай — «бор эканда, йўқ экан...» деб бошланади. Биз буғундан эътиборан газетимизнинг ҳар бир сонида ажойиб эртаклардан намуналар бериб бормоқни ният қилдик. Шу ниятда очаётган янги рукнимизни ҳам «Бор» эканда, йўқ экан...» деб атадик. Берилажак эртақлар жаҳон халқлари ижодидан танлаб ва мослаб олинган. Қисқаси, дунда, қизиқарли, ўқиш ҳам осон. Ишонгимиз келадикки, улар сизларга манзур бўлади.

Дарвоқе, эртақларни Жонқобил Жума ва Руслан Ортиқбой инглизчадан она тилимизга ўғиришган.

ҚУШЛАР ВА ҚУРБАҚА

Бор эканда, йўқ экан, оч эканда тўқ экан. Катта бир кўлда Қурбақа дўстлари — каттакон икки оққуш билан бирга яшар экан. Кунларнинг бирида қушлар бошқа кўлга кўчишни ихтиёр этишибди.

— Жон дўстлар, мени ҳам бирга олиб кетинглар! — деб ёлборибди Қурбақа.

— Жуда яхши! — дебди қушлардан бири. — Мана бу ходани кўрясанми? Унинг бир учидан мен, иккинчи учидан ўртоғим тумшуги билан қисиб олади. Сен эса ўртасидан тишлайсан. Аммо сен гапирмаслигинг керак. Сира оғзингни оча кўрма. Акс ҳолда пастга тушиб кетасан.

Шундай қилиб, қушлар ходанинг икки учидан, қурбақа эса ўртасидан тишлабди ва улар бошқа кўл сари учиб кетишибди.

Қарашса, бир гала бола далада ўйнаб юрган экан. Улар осмонда қушлар билан учиб бораётган Қурбақани, кўриб:

— Анавунга қаранглар! — деб қичқиришибди бир-бирига. — Бу нима бўлди-а? Қушлар нимани олиб кетишпти? Каттакон соатми дейман?

Буни эшитган Қурбақа оғзини очганча ҳайқирибди:

— Йўқ, мен соат эмасман, қурбақаман!..

Ва «пақ!» этиб ерга қулаб тушибди.

ОНА БҮРИ

— Тишлама, онажоним
Оғриб кетди-ку жоним.

— Ҳали итлар тишлайди,
Ўргангил болажоним.

— Кўп чоптирма, онажон,
Оёғимдан сирқир қон.

— Душманларинг бор, болам,
Сендан юз бора чаққон.

— Она. Не қилмоқчисан,
Бундан ўтиш хатар-ку

— Эй болам-ей, олдинда
Чин хатарлар кутар-ку.

— Она, ўлдим очликдан
Бирор нима топиб бер.

— Энди кичик эмассан
Ўз ризқингни ўзинг тер.

— Онажон, одамлардек
Яшасак-чи бир нафас?

— Йўқ, бу ҳақда ўйлама
Эркисиз дунё — тор қафас.

— Ахир бизга кенг олам,
Жонотларнинг зўримиз.

— Аммо унутма, болам
Озодликда Бўримиз.

Худойберди КОМИЛОВ, Самарқанд вилояти

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз болажонлар! Қуйида таърифлари баён этилган сўзларни топинг. Жавоблар рақам ёзилган хонадан бошлаб кетма-кет жойланади. Бунда биринчи сўзнинг сўнги ҳарфи иккинчи сўзнинг биринчи ҳарфи тартибда «занжир» ҳосил қилади.

1. Қулоққа тақиладиган зеб-зийнат буюми. 2. Дарё қирғоқларини бириктирувчи йўл. 3. Қат-қатгина қатлама, ақлинг бўлса тишлама. 4. Қозонда эмас қайнайди, қишин-ёзин тинмайди. 5. Сувда сузиши, юк ташиши воситаси. 6. Ерўғлиқ ва ҳарорат манбаи бўлган коинот жисми. 7. Усимликлар баргида ҳосил бўладиган мусаффо томчи. 8. Ут ёқиши ашёси. 9. Қишлоқ хўжалиги техникаси. 10. Хушбўй манзарали ўсимлик. 11. Ҳосили сариқ тусли дуккакли экин. 12. Сўзлашув воситаси. 13. Узун оёқ, тумшуги узун, ёздан дарак берувчи йирик парранда. 14. Бир қушим бор суяги йўқ. 15. Кат-қат тўнали, қарич бўйли. 16. Бошида бор кокили,

белидадир ҳосили. 17. Тикувчилик асбоби. 18. Билим чироғи. 19. Таомга ишлатилдиган, қора холли дуккакли экин. 20. Сувсизликка чидамли, танаси тиканли, чўл гийҳи. 21. Езув қуроли. 22. Сайроқи қушлардан бири.

Васила ОРИПОВА
Тошкентдаги 283 мактаб ўқувчиси



ЎЛДИНГ—ЎЧДИНГ... ЭМАС

Она заминимиз ҳеч қачон ҳозиргидай «серфарзанд» бўлмагандир. Одам боласи тоғу тошларда, чўлу сарҳоларда, денгизу дарёларда макон қурмоқда. Улкан шаҳарларда одамнинг кўплигидан кўчалар торайгандек туюлади, туртиниш, уриниш-суринишлардан кўнглингиз лоҳас бўлади. Бу одамлар кимлар? Уларнинг сайъ-ҳаракати, насл-насаби, таг-тахтини суриштирадиган зот борми?..

Одам фақат жамият, жамоа орасида яшайди. Бани инсон авлодлар силсиласида ўтиб кетганлар руҳига содиқлик асносида умр кечирилади. Халқда «Салом ҳам қарз, алиқ ҳам қарз»,— деган нақл бор. Сен отананга, аждодинга нима қаромат кўрсатган бўлсанг, фарзандларинг, неварачевараларингдан худди шу қилмишинг қайтади. Тарбиянинг ўқилдизини ўтмишни ёдлаш, азиз сиймолар, аждодлар руҳини шод этиш белгиланган. Ажабки, қўли эгри, товламачи, ахлоқсиз, бузуқлар масаласидан тортиб эр-хотин орасидаги жанжал ҳам қасаба, фирқа жамоаларида, ўртоқлик судларида муҳокама қилинди. Бутун бир авлоднинг умри ана шундай бир замонда кечди... Ваҳоланки, аждодлар руҳи, ҳалол, имон-этиқодли ҳаёт йўли жуда кўпчиликка, хусусан, тўғри йўлдан торганларга ўрнак бўлиши мумкин эди.

Ўйлаб кўрилса, ўтиб кетганлар сони тириклар нуфузига нисбатан кўп, улар қолдирган қадриятлар тириклик барпо этаётган бойликлардан залворли. Умр бўйи ҳалол меҳнат қилган, қаттиққўл шўро сиёсати дағдғасида ҳам мусулмонлик бурчини ҳаммиса адо этган онам тўқсонни қоралаб ва-

фот этганларида, ургутлик қадрдоним:

— Онамизни кўпга қўшибсиз. Руҳи покларига оят тортай деб келдим, дея хонадонимиздан кўнгли сўради.

Кўпга қўшиш... Ҳамма бора-бора кўпга қўшилади, тупроққа айланади. Тамом, вассалом. Худо томонидан нозил қилинган тўрт муқаддас китобни эъзозлаган одам борки, ўтганларни унутмайди. Хусусан, аҳли мусулмон беш вақт намозда, дуода Одами сафиуллодан тортиб жами пайгамбарларни, азиз-авлиёларни, авлод-аждодини, ота-онасини ёд этади, улар руҳига сиғинади.

Мусулмончиликда азиз-авлиёлар, пайгамбару чоҳор ёрлардан бошланган насаб шажарасини давом эттириш удуми бўлса, туркий халқларда уруғ суриштириш одати бор. Ўзбек халқининг озғани ижоди, достонлари билан танишар экансиз, тўқсон икки уруғ, унинг улуғлари, мард ўғлонлари, қахрамонликлари, сулув қизлари ҳақида ғаройиб воқеаларни тинглайсиз. Асримизнинг чўнг санъаткори Чингиз Айтматов туркий халқлар тарихи, удумини бадний оламга айлантди. У, хусусан, туркий халқнинг қирғизи ҳақида талай асарлар битди.

Узини таниган халқ борки, босқинчилик, унинг асоратларини яхши биллади. Туркистон халқичалик босқинчилик оламларини кўрган, манқуртга айланган азобларини бошидан кечирган эл кам бўлса керак. Манқурт, манқуртчилик ижтимоий балосини аждодлар руҳини муқаддас билган, авлодлар аро боғлайдиган ришта учини қўлдан эинҳор чиқармаган халқ энгиши мумкин эди.

Одамнинг одамлиги башариёт зарра-зарра хратиб келаётган эзгулик, маънавий бойлик, қадрият ёмбисига ҳисса қўшишда билинади. Аксарият одамлар бу юмушни насаб тизимини пок сақлаш орқали бажарадилар. Туркий халқларда етти авлоднинг номма ном билиш, улар касб-корини, амалларини давом эттириш мўътабар саналади. Бу мадраса кўрган ёзувчилар асарларида ишонарли ёритилган. «Абдулфайзон», «Эсдалиқлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз» сингари асарларида асосий қахрамонлар тарихи ҳақидаги маълумотлар фикримиз далилидир.

Афсуски, шўро ҳукумати, коммунистик мафкура азизлар насабига қарши аёвсиз ҳужум қилди. Қанчадан қанча кишилар насабларини унутдилар, улуғлар авлодидан эканликларини яшириб, ўзларини камбағаллик, омилиқ, ғариблиқ тўдасига урдилар. Шўро даврида ҳаёти ва ижоди ўрганилган адибларнинг деярли ҳаммаси «ўтмишда камбағал, эзилган» бўлганини ўз қўли билан ёзиб берган. Бундай ёлғон бадний асарлар, улар муаллифлари савиясини очишда ҳалал бериб келди.

Мана, бир-икки йилдирки, насаб шажараси ҳақида маълумотлар берилди бошланди. Ҳазиний ҳаётига оид қисқагина маълумотда: «Ҳижрий 1287, милодий 1870 йилда тузилган шажарада шоирнинг ота томонидан Набирахон Эшон исмли авлоднинг йигирма олти насаб билан ҳалифа Ҳазрат алининг отаси Абдулмуталибга етиб бориши қайд этилиб, ҳужжат 74 муҳр билан тасдиқланган. Иккинчи шажа-

рада она томонидан пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга улашиш кўрсатилган. Маълумотномага 22 та муҳр босилган. (Ҳазиний. Тасаддуқ ё расуллоҳ. Шейрлар Тошкент. «Ёзувчи» нашриёти, 1992). Ҳурматли газет-хонларимиз «Шажарага қандай муҳр босиларкин?»— дея ҳайрон бўлишлари мумкин. «Фан ва турмуш журналининг 1991 йил, 10-сонида «Шайх Зайниддин бобо шажараси» номли мақола босилди. Унда мазкур шажаранинг 45-авлоди Омонулло Сайинд Файзуллоҳга ўз аждодлари ҳақида маълумот беради, шажара тартиботи кўрсатилган рўйхатни келтиради, ҳар бир авлоднинг қози томонидан тасдиқлаб босилган муҳрлари сувратини илова қилади. Сирожиддин Аҳмадининг «Бағирдаги чўғ» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газети, 1992 йил, 4 сентябр) йўл-йўлак муҳим бир дамий айтиб ўтилади: «Қул Ҳожа Аҳмад Ясавий зурриёди Маҳмуҳдўжа Султоналиҳўжа—Беҳбудий...»

Улуғлар авлоди қаерда яшамасин, ота-боболарининг муқаддас номига доғ туширмаликка ҳаракат қилади. Насаб шажараси, етти ота-бобо тарихини билишнинг тарбиявий аҳамияти кучли. Ҳар бир янги авлод бутун уқув, хулқ-атвори аждодлар тамойилига мос бўлишига, унга гард юктирмаликка ҳаракат қилади. Ножўя иш қилиб кўйган ўғил қизни ота-боболари таг-тахти, аждодлари удумидаги эзгуликлар билан мулазм қилиш ҳолларининг гувоҳи бўлганман.

Насаб, етти ота-бобо тарихини тиклаш, олий наслликлани исботлаш учун қилинмайди. Ҳар бир одам ўз насабини имкон қадар тиклаш, уни авлодларига мерос қилиб қолдириши мумкин. Аждод, ота-боболар руҳи олдида масъулиятни ҳис эттириш таълим-тарбиянинг бебаҳо қуролидир.

Абдуғафур РАСУЛОВ



ДУНЕНИНГ ГАШТИ

Суратчи: Р. АКБАРАЛИЕВ

МЕНИНГ УНВОНИМ—ОТА

Ишдан қайтаётганингизда йўлингизга болаларингиз пешвоз чиқишганми? «Дада, нима опкелдиз, нима опкелдиз?»— дея қўйқаришиб, қўлларингизга осилишганми? Сиз албатта йўл-йўлакай нимадир— қурутми, хўрозқандми, чайнамайшимингми, хуллас нимадир олвогансиз. Уларни битта-иккитадан фарзандларингизга улашасиз. Болалар эса «менинг дадам, менинг дадам!» дейишиб, сизни алқашади. Наҳотки ўша пайтда баданингизда чумоли ўрмалагандек бўлиб, юрагингиз ҳапирқиб кетмасан?

Дейлик, уйингизда бирор ҳодиса юз берди: қўшчилар билан нимадир бўлди ми ёки уйдаги бирор нарса синди ми, бўлди ми. Бу албатта болаларга кескин таъсир қилади. Аёлингиз эса болаларни тинчлантириш учун «қўйверинлар, даданелар келсин, ўзи тўғрилайди»,— дейди. Хуллас, болалар ҳам онаси ҳам сизнинг келишингизни орзиқиб кутишади. Сизнинг ўша муаммони албатта ҳал қилишингизга улар ишоншади. Сиз келган, бир-бирларига навбат бермай, бўлиб ўтган воқеани айтиб беришади. Улар учун сиз барча нарсага қодир буюк инсонсиз, уларнинг ишонган посбони-

сиз. Бундан улуғроқ бахт, бундан ҳузурбахироқ ором борки дунёда? Яна ким сизни шунчалик улуғлай олади? Бу илоҳий қудрат эмасми, азизим?..

Кечқурунги танавулни бир тасаввур қилинг: сиз дас-турхон тўрида савлат тўкиб ўтирибсиз. Икки ёнингизда эса жўжуқларингиз, рўпарангизда аёлингиз. Ҳаммалари сизнинг овқатга қўл узатишингизни кутиб туришади. Мабодо бирортаси ёшиқ қилиб, сиздан олдин овқатга қўл узатса, онаси «аввал даданг олсин!»— дея танбех беради. Олдингиздаги ёшитни уларга бўлиб берганингиздаги қувончларини айтинг. Сиз шу пайтда ҳар қандай шўху сўлтонлардан ўзингизни улуғроқ, ҳурматлироқ ҳис қилмайсизми, дўстим?!

Баъзан болаларим эркаланмиш, тиззамга ўтиришиб, бошларини кўксимга қўйишади. Мен эса ʻештиёр уларнинг бошларини силаман. Шунда пайтда яна мени ўшал бетакрор ҳалжон, эрка бир ҳузур қамраб олади. Бўғзимга нимадир тикилиб, кўзларимга ёш келади. Бу ҳолатни тўлалигича таърифлашдан ожизман.

Давр касаллиги бўлмиши етимхоналарни, отасиз дунёга келган болаларни йўла-

нимда юрагим ўртаниб барча эркаларга ҳайқиргим келади:

— Ҳой биродар! Ҳалол аёлингиз билан фарзанд кўришини ният қилдингизми, аввало «бисмилло» денг. Мабодо насиб этиб, фарзандлик бўлсангиз, уларни ташлаб кетманг. Агарда оталик қили олишга кўзингиз етмаса, мардларнинг бу юмушига қўл урманг!

Кўплар «фарзанд кўриш оsonу уни тарбияси қийин» дейишади. Балки шундайдир. Лекин мен уларга оддийгина маслаҳат берган бўлардим: биродарлар, ҳар кун ишдан қайтишингизда болаларингизга нимадир (арзон нарса) олиб келинг. Уларнинг ҳал қилолмаган болаларча муаммоларини жиддий ва холис туриб ҳал қилиб бering. Ўз ёмиш насабанингиздан уларга бўлиб бering, қучоғингизга олиб, бошларини силанг ва энг асосийси барчаларига баробар қаранг. Ушанда, ишонингки, болаларингиз ёмон одам бўлиб ўсмайди. Ушанда сиз Илоҳ тортиқ қилган буюк унвоингизга муносиб зот бўлиб қолаверасиз! У ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Менинг унвоини— ОТА!.. Сизнинг-чи?..

Наби ЖАЛОЛИДДИН.



СИЛВЕСТЕР СТАЛЛОНЕ

Бу одам — шоир, мусаввир ва поло ўйинининг ишқиво-зи. «Такдирни қарангки, қаҳ-рамонлари жисмоний азоб-уқубатлар чекадиган филм-ларим кўпроқ шўхрат қозон-ди, — дейди у. — Ҳолбуки, мен қалбдан маънавий, руҳий изтиробларга мойил одам-ман»...

Майкл Силвестер Стал-лоне 1946 йилнинг 6 июли-да Нью-Йоркдаги хароба бир касалхонада туғилди. Тўлғоқ оғир кечади, тигдан фойда-ланишга тўғри келади. Тиг бехос чақалоқ юзининг чап томонидаги нерв тўқимасига тегиб кетади. Натижада юз мускуллари қисман фалаж-ликка учраб, нутқ бузилиши-га сабабчи бўлади. Жарроҳ-нинг хатоси Сталлоне ҳаёти-ни буткул ўзгартириб юбо-ради. Синфдошлари оғзи қийиқлиги, ғам тўла ни-гоҳи ва кулгили исми туфай-ли унинг устидан кулганлари-кулган эди. У эса тасавури-даги қаҳрамонлар (масалан, командор Коди) оламида яшарди.

Ҳаммадан зўр бўлиш орзу-сида яшаган болакай 22 йил-дан сўнг ўз ниятига эришди. У суратга олган ва бош ролни ижро этган «Рокки» филми бутун Американи лол қол-дирди. Тенгсиз чемпионга қарши 15 раунд чидаб бериб, охир-оқибат голиб чиққан қаҳрамон — иккинчи дара-жали боксчи Рокки Балбоа роли учун Сталлоне 1976 йилда «Оскар» мукофоти-ни («Йилнинг энг яхши фил-ми») олди. Шунингдек, энг яхши сенарий муаллифи ва энг яхши эркак роли ижро-чиси сифатида у Голливудда бирваракайига икки «Оскар» мукофотини қўлга киритган уч кишидан бири бўлди. Чар-ли Чаплин ва Орсон Уэллс-лар ҳам шундай бахтга муясс-сар бўлган эдилар.

Роккининг кечмиши нима-си биландир Сталлоненинг ҳаётда ўз ўрнини топиш йули-даги саргузаштларини эсла-тади. Тенгдошлар томонидан таҳқирланган бола кейинча-лик қайсар, жанжалкаш ўс-мир бўлиб вояга етди. У 15 ёшидаёқ тўрт-беш мактабдан

ҳайдалиб улгурган эди. «Мен ота-онамнинг ҳам, ўқитувчи-ларимнинг ҳам жонига тек-кан эдим», — дейди у ке-йинчалик.

Сталлоне 11 ёшга тўлганда ота-онаси ажралишади. Она-си Жаклин музлатилган таом-лар савдоси билан шугул-ланувчи бойваччага эрга те-гиб, Филадельфияга кўчиб кетади. Силвестер ва унинг укаси Фрэнк дам отасининг, дам онасининг уйда яшаб юришади. 15 ёшга тўлганда эса Сталлоне Филадельфияга бутунлай кетади. Жаклин ў-ғлини Деверекс-Монордаги қийин тарбияли ўсмирлар мактабига киритиб қўяди. Силвестер бола пайтлари отаси унга: «ақлинг унча ҳам пеш эмас, яхшиси жисмонан кучли бўлишга ҳаракат қил», дерди. Деверексда Сталлоне падарининг «ўғити»ни амал-га ошира бошлади — ўқиши ўша-ўша бўлса-да, бир неча бор спорт мусобақаларида қатнашиб, голиб чиқди. Де-верексда йигитча тасвирий санъатга ҳам жон-дилдан меҳр қўяди.

Коллежда ўқиш вақти ет-ганда, онаси Силвестерни Швейцариядаги Америка коллежига жойлаштиришга бор кучини сарфлайди. Бу коллеж Сталлоненинг хотир-лашчи, «бадавлат ва ишқ-мас болалар ўқийдиган жой эди». Қизиги, айнан Швей-царияда Сталлоне ўзини актёр сифатида кашф этди. Мактаб сахнасида қўйилган «Коммивояжернинг ўлими» пьесасида унга Бифф роли тегади. Илк намоийш куни тамошабинлар унинг ўйинини қарсақлар билан қарши оли-шади. Йигитча муваффақият-дан ўзида йўқ хурсанд эди.

1967 йили Силвестер Штат-ларга қайтади ва Майами дарилфунунининг актёрлик бўлимига ҳужжат топши-ради. 1969 йили, атиги учта имтиҳон қолганда, ўқишни ташлаб, Нью-Йоркка равона бўлади ва у ердаги арзон меҳмонхоналардан бирига жойлашади. Сталлоне турли-туман ишларда ўзини сынаб кўради, ҳатто ёввойи ҳай-вонлар сақланадиган қафас-

ларни тозалашга ҳам тўғри келади. Театр сахнасида, филмларда кичик роллар иж-ро этади. Нью-Йоркда Стал-лоне биринчи хотини Саша Шак билан танишади — Уол-тер Ридз Баронетнинг Ман-хэттендаги театрида улар бирга чипта сотишарди. Кўп ўтмай Сталлонени қалбаки чипта сотишда айблаб театр-дан қувишади ва ёш келин-куёв орзу-умидлар маскани — Голливудга йўл олиша-ди. Бу ерда Саша официант бўлиб ишлайди, Силвестер эса сенарийлар ёзар ва бўш вақтларида нутқидидаги камчи-ликларни тузатишга ҳаракат қиларди: магнитофонга Эд-гар По, Уолт Уитменнинг ҳикоялари, Шекспир драма-ларидан ифодали ўқиб, ёз-дирарди.

1975 йилгача Сталлоне се-нарийларини ҳеч қаерда ўт-каза олмайди. Кейин Рокки ҳақидаги саргузаштни ёза-ди. Силвестер фарзанд ку-тишаётган, банкда атиги 106 доллар пуллари қолган бўл-са-да, бу сенарийсини 265 минг долларга ҳам сотишга розилик бермайди. У ўз се-нарийсидаги бош ролни ўзи ижро этишни хоҳлар, продю-серлар эса бу ролни Бэрт Рейнолдс, Жэймс Каан ёки Райн О'Нил ўйнашни иста-шарди. Лекин алал-оқибат ҳеч кимга таниш бўлмаган

йили-ўн йиллик турмуш ва бир неча ошқора жанжал-лардан сўнг Саша билан аж-ралишади. Силвестернинг 1985 йили даниялик актриса ва фотомоделчи Бригит Нил-сен билан қурган иккинчи ни-коҳи атиги 548 кунга чўзил-ди ва актёрга 2 миллион долларга тушган ажралиш билан якунланди. Шахсий ҳаётдаги муаммоларга қара-май, «Рокки» ва «Рембо»нинг янги сериялари жуда катта фойда келтирмоқда эди. Сталлоне кино тарихидаги энг кўп ҳақ оладиган актёр-га айланди — битта филм учун у ҳозир 25 миллион доллар олмоқда.

Бироқ сўнгги йилларда у «Тог биллури» меҳмонхона-си», «Бор куч билан», «Ос-кар», «Танго ва Кеш» каби муваффақиятсиз чиққан филмларда суратга, тушди. Шу туфайли Сталлоненинг АКШдаги шўхрати анча па-сайди. «Нью-Йорк Таймс» газетига берган интервьوسي-да актёр аввалги филмлар-нинг муваффақияти уни эсан-киратиб қўйганини эътироф этади: «Натижада мен хато қилиш мумкин бўлган барча хатоликларга йўл қўйдим. Калондимог, худбин бир шахсга айландим. Мағлубият-лар ҳақиқатдан ҳам кўзингни очади, ўзингни арши-аълода ҳис этаверсанг ҳеч нимага

НИМАДАН ҚЎРҚАДИ?

қайсар сенарийчининг айт-гани бўлди — «Юнайтед Ар-тистс» компаниясининг про-дюсерлари таваккал қилишга кўнади ва бош ролга уни тасдиқ этади.

«Рокки»нинг оламшумул муваффақияти Сталлоне ҳаётини буткул ўзгартириб юборади. «Епирилиб келган шон-шўхрат лаззатидан худ-ди ўйинчоқ магазинидаги кичикинтойдек завқланар-дим, — тан олади у кейин-чалик. — Мен сиёсат, дин, ижтимоий муаммолар каби ўзим умуман тушунчага эга бўлмаган соҳалар ҳақида фикр юритардим. Одамлар мендан шунини исташарди. Рокки ихлос қўйган идеал-ларга ишоншимни хоҳла-шарди. Аммо мен уларга ишона олмас эдим».

Сталлоненинг ҳаёти ҳам энди «юлдузлар»ники синга-ри бўлиб бормоқда эди. 1983

эришолмас экансан». Сталло-не Италияда суратга олинган «Қояда осилиб қолган» фил-ми билан америкалик тамо-шабинлар орасидаги аввалги шўхратини тиклашга умид-вор. Актёр филмга жуда жиддийлик билан ёндошди, ҳатто қоялардаги энг хавфли кўринишларни ҳам ўзи ўй-наш хоҳишини билдирди.

«Катта бўлган сайин эриш-ган нарсангдан айрилишдан, тақдирга қарши чиқишдан қўрқа бошларкансан, — дей-ди у «Нью-Йорк Таймс» мух-бири билан сўхбатда. — Энг чўчиган нарсам эса шу».

Сталлоненинг чўчишига ҳо-жат йўқ. Ахир унинг ҳаёти тақдир билан доимий оли-шув ва турли-туман тўсиқ-ларни четлаб ўтишдан ибо-рат!

«МЫ» ҳафталигидан олинди



ҲАММА НАРСА ЖУФТ ЯРАТИЛГАН

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим
ИРИСБОЙ

ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЕҚУБОВ
Мухаббат
ИБОДОВА

Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Ботир ЭРНАЗАР
ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНАЪТИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондик
БЕРДИЕРОВ
Мейли
ИУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОЕВ
Абсалом
УСАНОВ
Урол
УЗБЕК
Асқар

АЛЛАБЕРДИЕВ
Абдумуталлиб
РИЗОҚУЛОВ

Таҳририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкilotлар
ўртасида
воститчилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
матълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомилари —
Тошкентдаги
СЭВИЖ
тижорат жамияти,
Галлаорол
туманидаги
«Галлаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Сирдарё
«Оқ олтин»

дон маҳсулотлари
корхонаси
МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намоийшлар
хёбони,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси №464
Буюртма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

АЗАМАТ АБДУРАИМОВ:

СЕВГИСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ



АЗАМАТ МУСОБАҚАДАН СЎНГ.
1992 ЙИЛ

Азамат ҳақида жуда кўп бемаза гаплар эшитдим. Аммо уларга сира-сира ишонгим келмасди. Яқинда у билан суҳбатлашиш баҳона таҳририятга таклиф қилдим. Аввалига суҳбатимиз кўнгилдагидек қовушавермади. Шундагина фаҳм этдим, сени билмаган, бироқ ўзинг жуда-жуда яхши кўрадиган киши билан суҳбатлашиш, баҳслашиш қанчалик оғир эканлигини. Бир томондан илгаридан тайёрлаб қўйган саволларга тўлиқ жавоб ололмай қолшдан ташвишлансанг, иккинчи томондан «уни қўйиб ноқулай аҳволга солиб қўямасмиканман?» деган истилола суҳбат-оромини бузиб туради, ўртадаги ўнғайсизликдан тезроқ қутулиш учун ундан қанақа таомни хуш кўришини сўрайман. Энциклопедия қотиб жавоб қайтаради:

— Қанақа таомни яхши кўришимнинг кимга қизиғи бор?

— Азамат, билсангиз, сизни ёқтирадиган, сизга ҳавас қиладиган барча футбол ишқибозлари учун босган ҳар бир қадамингиз қизиқарли. Улар 1-синфда қайси бир ўқитувчидан тарсаки еганингиз-у, айна пайтда ичингизда қандай армон кечаётганини-да билишни истайдим.

— Ундай бўлса ёзинг! Таомлар ичидан мантини, инсонлар ўртасида онамни, шаҳарлар қаторида Тошкентни, санъат намояналари даврасида «Баҳор» ансамблини яхши кўраман.

— Футбол ўйнаш билан бирга Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетида ўқиркансиз. Келажакда спорт журналисти бўлиш орзуингиз бор-ю?

— Шу соҳага қизиқаман. Илгари ёш мухбирлар мактабига қатнаганман. Масковда яшаганимда туман ҳамда шаҳар ўқувчилари олимпиадасида қатнашиб яхши ўринларни эгаллаганман. «Масковский комсомолец», «Физкультурник Узбекистана» газеталарида мақолаларим чиққан. Онам ҳам журналист. Масков дорилфунуни журналистика факультетини тамомлаб, Узбекистон ойнаи жаҳониде ишлаган.

— Синов ҳамда имтиҳонларни топширишда ҳечам қийналмасангиз керак. Факултетингиз декани Сайди Умиров ҳам футболни жонни дили билан яхши кўради-ку!

— Урис бўлимида ўқийман. Уқитувчиларимизнинг кўпчилиги аёллар. Уларнинг футбол билан дарди йўқ. Фақат Эрназаров домла ёрдам қиладди. Мабодо деканимизга учраб қолсам фақат футбол ҳақида гаплашамиз. Эҳти мол, у кишидан ёрдам сўрасам «Йўқ» демас. Лекин шу пайтгача бу тўғрида оғиз очмаганман.

— Сиз ўқийдиган факультетда барча ижодкор-ёшлар йиғилган. Балки сиз ҳам бирор нарса ёзарсиз!

— Бадиий жанрда ҳеч нарса ёзмайман. Лекин бўш вақтларимда қоғоз,

қалам оламан-да ўзим савол бериб, ўзим жавоб топаман. Бунга журналда, на газетда чиқариб бўлмайди. Шунчаки юракни бўшатиш, зерикмаслик учун шу ишни қиламан. Юморга жуда қизиқаман.

— Узбек тилини ўрганаётгандирсиз!

— Гапирсангиз тушунман-у, бироқ жавоб қайтаришга бироз қийналанман.

— Ёзганларингизни ўқиб кўрсам майлими!

Азамат ўйбун саволимдан сўнг уйига таклиф қилди. «Болалар дунёси» магазини ортидаги 9 қаватли уй. Уни-ки 4-қаватда экан. Хонага киргач менга ўтиришга жой кўрсатиб ўзи ошхонага кирди, «тақир-туқур» қила бошлади. Чой-пойнинг ҳождати йўқлигини айтдим.

— Ўзим тайёрлаган шўрва, татиб кўринг, кейин қанчалик пазанда эканимга ҳам баҳо берасиз,— деди у кулимсираб.

Сўнгга мақсадага кўчдик. Дастлаб

«Садо» келди. Кейинчалик барибир «Баҳор»ни ҳам олиб бордик. Концерт давомида мен бир қиз билан танишиб, орадан анча вақт ўтгандан сўнг севишиб қолдим. Шу-шу таниқли хонандаларнинг, раққосларнинг анча-мунчаси билан борди-келдимиз бор.

— Ёзганларингизни ҳам кўрсата-сизми!

У катта дафтарни берди-да, илтимос фақат устимдан қўлмаймиз дея ўзи сал илжайиб қўйди. Навбатма навбат рақамлаб қўйилган савол ва жавобларни ўқишга киришдим:

1.— Сенга нима етмайди?

— Бахтиёр болалик ва узун-узун жижгаринг соч.

2.— Нимани яхши кўрасан?

— Тез-тез оч қолишни, ширинликни.

3.— Қандай қизларни ёқтирасан?

— Чиройлиларни. Кўпроқ мени ёқтирадиган гўзалларни. Афсуски уларни камдан-кам учратаман.

4.— Қачон уйланасан?



АЗАМАТ ҲАРБИЙ ХИЗМАТДА.
1986 ЙИЛ

қоришиб яшаса керак», дея хомуши тортиди.

— Душманларингиз анча-мунча-дир!

— Футболда ҳам, ҳаётда ҳам етарли. Яна шунча дўстларим ҳам бор.

— Отангиз ҳақида нима дея ол-сиз!

— Фамилиям Абдураимов бўлгани менга майдонда анча ноқулайлик туғдиради. Чунки мен отам сингари маҳорат билан ўйнай олмайман. Ишқибозлар эса Абдураимовнинг ўғли Абдураимовдек бўлиши шарт деб ўйлашади. Бу албатта тўғри, ҳаммадан зўр ўйнагим келади. Аммо осон-мас.

— Футбол ишқибозлари сизни йўқ жойдан 11 метрли жарима тўпини ўндириб олишга жуда уста дейишади. Бунга ўзингиз қандай қарайсиз!

— Бу ҳам санъат албатта. Дейлик, тўп билан жарима майдончасига кирдингиз шу орада ишқибозлар ҳам футболчилар-у, ҳакамлар ҳам 80 фоиз ҳолатда ё гол бўлишини ё бурчак тўпи тепилишини ва ёки 11 метрли жарима тўпи белгиланишини кутиб туради. Рақиблик иложи борича дарвоза дахл-сизлигини сақлашга тиришадилар. Бунинг учун иккита йўл бор. Биринчиси тўпни майдон ташқарисига чиқариб юбориш бўлса, иккинчиси ҳужум қилаётган футболчинини қандай бўлмасин қайтариш. Худди шу пайтда тўсатдан иккилиши ҳам 50, 60 фоиз ҳолатда омад келтириши мумкин.

— Майдонда рақиб ва ҳакамлар билан кўп суршасиз, беҳуда огоҳ-лантиришларни сотиб оласиз!..

— Тўғри, бироқ қайноқонман. Бу борада отамдан ҳам кўп дакки эшитаман.

— Ҳакамлар томонидан ноўрин белгиланган 11 метрли жарима тўп-ларини тепаётганда қандай ҳолатга тушасиз.

— Иложи борича уни тепмасликка ҳаракат қиламан. Борди-ю мажбур-лаша уйиндан сўнг ёлғиз қолиб виж-донимдан уэр сўрайман, кўп қийна-ламан. Шу пайт бунингиз ақинига йўлмайман, у киши адолатсизлик қилганимни эшитса дарров кўз ёш қиладди.

— Бу йилги биринчи миллий чем-пионатдан қониқдингизми!

— Йўқ. Икки чемпион эълон қили-ниши («Пахтакор» ва «Нефтчи») шар-мандалик.

— Армияда хизмат қилганмисиз!

— Албатта. 3 ой ҳарбий кийим кий-ганман. Сўнгга Ростов армиячилари ҳамда МАСКнинг ўринбосарлари са-фиде ўйнадим.

— Қачон уйланмоқчисиз!

— Қачон қиз топсам.

— Исмингизни ким қўйган!

— Марҳум санъаткор Раззоқ Ҳам-роев қўйган экан.

Суҳбатимиздан кейин Азамат мен билан эшиккача чиқди. Хайрлашар-канмиз кўлимдаги дафтарнинг бир че-тига телефон рақамини ёзиб қўйди-да, сўради.

— Қалай, шўрва ёқдим!

— Янаги сафар келганимда ош-дамлашга мажбурсиз!..

Суҳбатдош Нормурод МУСОМОВ.



АЗАМАТ ОТАСИ БИЛАН. 1970 ЙИЛ

қўлимга катта альбомни тутқазди. Футболчилардан бўлак бошқа касбдаги таниш-билишлари, молалари, боболари, яқин ўртоқлари, шу жумладан, артистлардан Юлдуз Усмонова, Шахноза Фозиловна ҳамда «Баҳор» ансамбли аъзолари билан тушган ҳар хил катталикдаги расмлар, қизиқ-синиб сўрайман:

— Санъаткорлар билан ҳам яқин алоқангиз бор экан-да!..

— Бундан бир неча йил олдин со-биқ СССР кубогининг навбатдаги бос-қичида «Патакор» Олмаотанинг «Қай-рат» жамоасини қабул қиладиган бў-ди. Уйиндан бир кун олдин Қйрай-даги кўнимоҳимизда тўпландик. Рес-публика Марказий кўмитасининг со-биқ биринчи котиби шахсан Иномжон Усмонхўжаев ҳам ўша жойга келиб Геннадий Денисовдан «Қайрат»ни ен-гамизми!— деб сўради. Гена «ал-батта» деб жавоб берди. Кейин жа-моализининг комсоргини суриштирди. Уша пайтда ушбу вазифани мен ба-жараётган эдим. Уртага чиқиб ўзим-ни таништирдим. У киши бироз ўй-ла-ниб тургач, «Қайрат» билан бўладиган учрашувнинг жавобгарлигини зим-мамга юклади-да: «Шу ўйинда ютса-ларинг истаган нарсаларингни ба-жо келтираман» деган ўйда ваъда берди. Биз ютган тақдиримизда «Баҳор» ансамбли ижросида катта концерт то мошасини ташкил этишини сўрадик. Усмонхўжаев рози бўлди. Эртаси кун-и 2:0 ҳисобида ғалаба қилиб бош коти-бинг ваъда қилган томошасини кут-дик. Аммо Қйрайга «Баҳор» эмас,

— Бунга ўзим ҳам билишни иста-ман, аммо билмайман.

5.— Орзуинг нима?

— Биринчи фарзандим қиз бўлса дейман. Унга Асал деган исм қўяр-им.

6.— Эр йигит қандай бўлиши шарт?

— Ўз сўзини ўтказга оладиган ҳам-да кучли бўлиши лозим.

7.— Инсон нималарсиз яшай олмай-ди?

— Севгисиз. Ҳар ҳолда кўпчилик у сиз яшаётган бўлса-да.

8.— Нимасини айтиш биланасан?

— Иларини ёш ва чиройли эдим.

Ҳозир эса фақат чиройлиман!..

Қўлзмаган ўқиб чиққач, у мени-ниг уйланган ёки уйланмаганлигини суриштирди. Ўйдоқлигимни билган-дан сўнг дардимиз бир экан, дегандек мийғида қилиб қўйди. Кўтаринки кайфият фурсатидан фойдаланиб тезда у кутмаган саволини бердим:

— Азамат, йигитларнинг бошига боғланган бир нарсани сўрасам айбга бюрмайсизми!

— Чидаса бўлар ҳар ҳолда!..

— Қизлардан танишларингиз кўп бўлса керак!..

— Узингизчи?

— ...Армонингиз нима!

— Нимасини айтиш сизга!..

У қўлга «Оила ва жаҳият» газети-нинг эски сонларидан бирини олди-да ички томондаги қиз боланинг сура-тини кўрсатиб илгари у билан севиш-ганлигини, ҳозир ўша қиз хоржижа турмушга чиқиб кетганлигини айтди-да, «яхши одам ҳамшиша армонларга